



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2013-yil, 21-noyabr. Payshanba • 139 (31.729)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП: электорат манфаати



Санжар ШОТЛУЛАТОНОВ олган суратлар.

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш

ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Партия дастурий мақсад ва ғоялари тарғиботи таъсирчан, самарали бўлиши учун очик мулоқотлардан фойдаланиш зарур

Ҳар бир сиёсий партия ўз ғоя ва дастурий мақсадларини аҳоли ўртасида тарғиб қилади, бу жараёнда бошқа сиёсий кучлар билан рақобатга киришади.

ЎзХДП ҳам ўз дастурий мақсадлари, ғоясини кенг тарғиб этиш, электорат билан самарали мулоқот ўрнатишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу борада тарғибот гуруҳлари фаолиятини кучайтириш муҳим ўрин тутди. Шу боис

тарғиботчилар гуруҳларига тажрибали партия фаоллари, халқ орасида обрў-эътиборга эга кишиларни жалб қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

3

2013 йил — Обод турмуш йили

Болалар манфаати — доимий ҳимояда

Пойтахтимизда БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФнинг «Дунё болаларининг аҳоли — 2013» глобал ҳисоботи тақдими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси болалар ижтимоий мослашуви маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда тегиш-

ли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, журналистлар иштирок этди.

БМТнинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ томонидан ҳар йили анъанавий равишда ишлаб чиқилган дунёда болаларнинг аҳолига оид глобал ҳисоботнинг мав-

зуси бу йил имконияти чекланган болаларни жамиятга интеграциялаш масалаларига бағишланди.

Ҳисоботда қайд этилишича, бугунги кунда сайёраимизда 93 миллион нафар ногирон бола ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини муҳофазалаш, таълим-тарбия бериш, саломатлигини яхшилашга кўмаклашиш жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб вазифалардандир.

2

Очиқлик ва ошкораликни таъминлаш йўлида

Ҳуқуқий эксперимент

Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги фармойишига мувофиқ «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ўтказилаётган ҳуқуқий экспериментда Бухоро вилоятидаги 89 субъект фаол иштирок этмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун масъулиятини ошириш, фуқароларнинг ахборот олиш ҳуқуқларини кенгайтириш, субъектлар фаолиятидаги очиқлик ва ошкораликни таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси доирасида вилоят адлия бошқармасида ҳам синов талабларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Фуқаролар ва юридик шахсларнинг фаолиятимизга доир маълумотларни олиши учун барча имкониятлар яратилган, — дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ақром Халилов. — Бинодаги ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган залда махсус стендлар жойлаштирилган. Бундан ташқари, фуқаролар бошқарма веб-сайтидаги ба- тафсил ахборот ва маълумотлардан фойдаланиши мумкин. Унда интерактив хизматлар — юридик шахслар, нотариал ва ФХДЭ идоралари, адвокатура реестрлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатида олиш реестри, шунингдек, қонунчиликдаги ўзгаришлар, янгиликлар, қилинган муурожаатлар натижалари, тизимда ташкил этилган турли тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган.

2

МАТБУОТ ХИЗМАТЛАРИ

ва ахборот шаффофлиги

Бугунги кунда Солиқ қўмитасининг сайти орқали 31 турдаги, Божхона қўмитасининг сайти орқали 12 турдаги, Статистика қўмитасининг сайти орқали 10 турдаги, Иқтисодиёт вазирлигининг сайти томонидан эса 9 турдаги интерактив ва бошқа бир қатор фойдали электрон хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилган.

3

КОНСТИТУЦИЯ



кичкинтойлар нигоҳида

4

ЎЗБЕКИСТОН



терма жамоаси 2015 йили Австралияда бўладиган навбатдаги Осиё чемпионатида йўлланмани мuddатидан илгари қўлга киритди

4

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

2014 йил учун давлат бюджети

ҳамда солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тасдиқланди



2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 984 мингга яқин иш ўрни яратиш кўзда тутилаяпти. Бундан аввало ЎзХДП электорати вакиллари манфаат кўради.



O'ZBEKISTON OVOZI

— хилма-хил фикрлар минбари,

сизнинг минбарингиз!

Келгуси сонларда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонуннинг Жиззах ва Хоразм вилоятларидаги ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш

ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди



Мақсадимиз Дастурда кўзда тутилган иш ўринлари ўз вақтида очилиши, барқарор бўлишига эришишдир. Жорий йилда ҳам Дастур ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида парламент эшитуви ўтказилиб, келгуси йилда Дастурни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида жорий йилда аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари ҳамда Дастурнинг 2014 йилга мўлжалланган лойиҳаси атрофида муҳокама этилди.

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури лойиҳаси 6 қисмдан иборат. Унда Дастурнинг мақсад вазифалари, 2013 йилги Дастур ижроси натижалари, келаси йил иш ўринларига бўладиган эҳтиёж тахлиллари, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий устувор йўналишлари, мониторинг ва иш ўринларини ҳисобга олиш механизмлари, коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга йўналтирилган чоралар қамраб олинган.

Йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари таҳлил этилиб, Дастур лойиҳасида белгиланган вазифаларни самарали бажариш усуллари ҳақида фикр юритилди.

ЎЗХДП фракцияси аъзоларининг қайд этишича, иш ўринлари ташкил этиш параметрлари Инвестиция дастури, ҳудудлар ва тармоқларни ривожлантириш, корхоналарни модернизациялаш, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий инфратузилма ва бошқа йўналишдаги дастурлар билан бевосита боғлиқ. Шу боис Дастур фуқароларнинг бандлигини ошириш билан бир қаторда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва соҳалар ривожига янада кенг йўл очади.

Улугбек ВАФОВЕВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎЗХДП фракцияси раҳбари:



— Бозор муносабатлари шароитида аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш долзарб масала ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этишда янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳолига барқарор даромад манбаини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиқиб, фрак-

циямиз ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари томонидан Дастурнинг бажарилиши юзасидан ҳар йили изчил равишда назорат-таҳлил ишлари амалга оширилмоқда. Фракция ташаббуси билан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг Дастур ижроси бўйича ҳисоботи эшитилмоқда. Мақсадимиз Дастурда кўзда тутилган иш ўринлари ўз вақтида очилиши, барқарор бўлишига эришишдир. Жорий йилда ҳам Дастур ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида парламент эшитуви ўтказилиб, келгуси йилда Дастурни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди. Мазкур таклифлар иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бан-

длигини таъминлаш жараёнига ижобий таъсир этади, деб ўйлаймиз.

Келгуси йил учун қабул қилинаётган бандлик Дастури лойиҳасига кўра, 984 мингга яқин иш ўрни ташкил этиш кўзда тутиляпти. Бунда иш жойларининг сонигагина эмас, балки сифатига ҳам алоҳида аҳамият берилади. Дастур лойиҳасини ҳар томонлама муҳокама қилиш, унинг самаралилигини таъминлаш бўйича амалий таклифлар билдириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки Дастур қанчалик пишиқ-пухта бўлса, турли соҳалар ва иқтисодиёт тармоқларида иш ўринлари ташкил этиш, унинг ижроси таъминланиши кафолати шунча мустаҳкам бўлади.

Ботир АЛИМУХАММЕДОВ,

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари:

— 2014 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларида амалга оширилаётган мақсадли дастурлар иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳасини шакллантиришда тўлалигича ҳисобга олинган.


Келгуси йилда таълим муассасаларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси, ишга жойлаштириш керак бўлган 630 мингга яқин киши меҳнат бозорига кириб келиши кутилмоқда. Уларнинг бандлигини таъмин-



лаш тизимли ва мураккаб жараён. Шунинг учун Дастур лойиҳа-

сида бу борадаги барча имкониятлар ҳисобга олинди, мутасадди идора ва ташкилотлар зиммасидаги вазифалар катъий белгиланиши кўзда тутилди.

Хусусан, Дастур лойиҳасида иш изловчи фуқароларни бўш иш ўринлари билан таништириш, уларга меҳнат бозори, корхоналар, ишга жойлаштиш имкониятлари тўғрисида тўлиқ маълумотлар бериш мақсадида 1200 га яқин бўш иш ўринлари ярамқаси ўтказиш режалаштирилган.



ти ҳамда тушунтириш-тарғибот ишларини ана шу йўналишда изчил олиб боришимиз керак бўлади.

Хайрулла ЗИКРИЛЛАЕВ,

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари:

— 2012-2013 ўқув йилида республика бўйича 1391 та касб-хунар коллежининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси 153 мингдан ортиқ корхона-ташкilotта бириктирилди. Олиб борилган ишлар натижасида жорий йилнинг 19 октябрь ҳолатига кўра, коллеж битирувчиларидан 350 мингга яқини иш билан таъминланган.

Тахлиллар битирувчилар бандлигини таъминлаш ишлари Бухоро, Навоий ва Наманган вилоятларида самарали ташкил этилаётганини кўрсатмоқда. Бироқ Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бу борадаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилаёпти, деб бўлмайди.

Битирувчилар ишга жойлашгани тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш жуда муҳим. Афсуски, жойларда шу масалада ҳам камчиликлар кўзга ташланмоқда. Яқинда Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг қўшма буйруғи асосида республикамизнинг 14 та ҳудудида 9246 та корхонага ишга жойлашган 20993 нафар битирувчи фаолиятини танлаш асосида ўрганиш натижалари ишга жойлашганлик ҳақидаги



маълумотлар ҳаққонийлигига эришиш бўйича олдимизда бир қатор вазифалар турганини кўрсатди.

Биринчи навбатда, коллеж битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан қўриқлаётган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш, маълумотларнинг ҳаққонийлигини ҳар бир коллеж кесимида мунтазам ўрганиб бориш керак.

Коракалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан бирга, 2013-2014 ўқув йилида коллежларнинг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси ишлаб чиқариш амалиётини ўташи, кейинчалик ишга жойлаштириш ташкил этиш юзасидан аниқ рўйхат ва электрон базани шакллантириш мўлжалланган.

Зафар ШАРИПОВ,

Иқтисодиёт вазирлиги демография ва меҳнат бозори бўлими бошлиғи:



ва таъминот соҳаларида меҳнат қилаёпти.

Таъкидлаш жоизки, саноатни, ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни кўпайтириш, хизматлар кўрсатишни барқарорлаштириш, аҳоли бандлиги даражаси ва даромадларини кўтариш истиқболдаги энг долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари лойиҳаси доирасида 2014 йилда жами 18 минг 262 лойиҳа амалга оширилиши белгиланди. Мазкур лойиҳалар орқали замонавий ва барқарор иш ўринлари яратилиши мўлжалланган.

Боймурод ЮСУПОВ,

ЎЗХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири:

— Аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш даражасининг мувозанатини сақлаш, меҳнат бозорида барқарор иш ўринларини кўпайтириш, вақтинчалик ва мавсумий ишларда банд бўлган аҳоли сонининг кўпайиб кетмаслигига эришиш молиявий-иқтисодий инқироз шароитида жуда долзарбдир. 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда бу масалалар ҳисобга олинганини таъкидлаш жоиз.

Айтиш керакки, Дастур лойиҳасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар бандлигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, яратилаётган иш ўринларининг сақланиб қолиши ва



барқарорлигига эришиш, таълим муассасалари битирувчиларини, хотин-қизлар, ногиронлар ва ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳолининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш, меҳнат бозори талабларига мос равишда касб-хунарга ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича муҳим чоралар белгиланаяпти.

Аҳоли бандлигини таъминлашнинг устувор йўналишларидан бири катта сармоя талаб қилмайдиган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишни ривожлантириш саналади. Булар бевосита ЎЗХДП дастурий мақсадларига ҳамоҳанг масала. Келгуси йилда мазкур соҳаларда яратилаётган иш ўринлари жорий йилдагидан бир мунча юқори эканидан келиб чиқса, 2014 йилда партиямиз ташкилотлари ва депутатлари олдида қатор масъулиятли вазифалар тургани ойдинлашади.

Йиғилишда 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури лойиҳаси ҳар томонлама таҳлил этилди. Ўзга чиққанлар томонидан янги иш жойлари ташкил этиш, аҳоли ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, мутасадди ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари, ЎЗХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдида турган муҳим вазифалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шулар асосида йиғилишда Дастур лойиҳаси бўйича партия дастурий мақсадлари, электрот манфаатлари ҳимоясига қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Лозина ШЕРОВА,

«Ўзбекистон овози» мухбири.

Адлия бошқармаси вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ҳуқуқий эксперимент доирасида яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳуқуқий эксперимент

Очиқлик ва ошқораликни таъминлаш йўлида

Бошқарма бошлиғининг сўзларидан кейин сайтнинг «Мурожаатлар натижалари» бўлими билан танишдик. Унда бошқарманинг фуқаролар, жумладан, тадбиркорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширган ишлари эътиборимизни тортди.

«Бекажон Маржона» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Бешимов «Когон коммунал — хўжалик ва техник хизмат кўрсатиш» давлат корхонасидан кўрсатилган хизмат учун 24 миллион сўм миқдоридаги қарзни ундириб беришни сўраган. Бошқарма мутасаддилари ҳолат билан танишган, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритган. Натижада шартномага амал қилишни пайсалга солиб келган корхонадан суднинг ҳал қилув қарори асосида қарз тўла ундирилган.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бошқарма адлия органлари ва муассасалари фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Журналистлар иштирокида турли мавзуларга бағишланган матбуот анжуманлари, брифинглар ўтказилаётир.

Яна бир муҳим жиҳат — адлия бошқармаси вилоятдаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ҳуқуқий эксперимент доирасида яқин ҳамкорлик қилмоқда. Уларга иш юритишни апробация жараёни талабларига мослаштириш мақсадида веб-сайтларга ахборотларни жойлаштириш, фойдаланувчиларга озғани ва ёзма шаклдаги ахборотларни тақдим этишга оид намунавий ҳужжатлар тайёрлаб берилмоқда. Бу эксперимент субъектларининг ишлари самарали ташкил этишда муҳим омил бўлаётди.

БОЛАЛАР МАНФААТИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Тадбирда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Р.Фудерич, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори В.Алимова, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, болалар саломатлигини асраш ва манфаатларини муҳофаза қилиш Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан эканини таъкидлади.

Мамлакатимизда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияси ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2008 йил 7 январда қабул қилинган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни мазкур ишлар қўлимини кенгайтиришда муҳим дастуриямал бўлаётди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели БМТнинг Минг-йиллик ривожланиш мақсадларига эришишнинг самарали стратегияларидан бири сифатида эътироф этилган. Ўртимизда жаҳон андозалари даражасида барпо этилган бирламчи тиббий-профилактика тизими, она-бола скрининг хизмати касалликлар ва болалар ногиронлигининг олдини олиш, оилада соғлом фарзандлар туғилишини таъминлашга хизмат қилаётди.

Озиқ-овқат маҳсулотларини фойдали микроэлементлар билан бойитиш, иммунизация тадбирларини режа асосида ташкил этиш, болалар ўртасида витамин етишмаслигининг олдини олиш мақсадида саппелментация тадбирларини ўтказиш, ҳомиладор аёлларга бепул поливитаминлар етказиб бериш борасида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳалар ўз самараларини бераётди.

Ногирон болаларни жамиятга интеграциялаш, уларнинг саломатлигини яхшилаш, иходий қўлиятини юзага чиқаришга кўмаклашиш, ҳар томонлама тиббий-ижтимоий кўмак кўрсатиш ҳам доимий эътиборда. Мамлакатимизда бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ташкилотлари қатори жамоат тузилмалари ҳам фаол иш олиб бораётди.

«Хар бир фарзанд — меҳр ва эътиборда» мавзусида тиббий ва ижтимоий акциялар ўтказиш аъёнага айланган. Инклюзив таълим тизими тобора ривожланмоқда. Таълим муассасаларида имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошлари қаторида таълим олиши учун барча қулайликлар яратилган. Мурувват уйлари, махсус таълим ва соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техника базаси йилдан-йилга такомиллаштирилмоқда. Ногирон фарзанд тарбиялаётган оилаларга манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилган.

Тадбирда мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофазалаш, имконияти чекланган болаларни қўллаб-қувватлаш, бу борадаги қонуний асосларни янада такомиллаштириш, дунё болаларининг аҳолига оид глобал ҳисоботда илгари сурилган долзарб вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

(ЎЗА)

Партия дастурий мақсад ва ғоялари тарғиботи

таъсирчан, самарали бўлиши учун
очиқ мулоқотлардан фойдаланиш зарур



ЎзХДП сиёсий ва фуқаролик маърифати

ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши тарғиботчилар фаолиятини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказган ўқув-семинарда шу ҳақда сўз борди.

Унда Марказий Кенгаш, Тошкент шаҳар партия кенгаши масъул ходимлари, туман партия кенгаши раислари, тарғибот гуруҳлари аъзолари, фаоллар иштирок этди.

Семинарда партия дастурий мақсад ва ғояларини кенг оммага етказиш, мамлакатимиздаги ўзгариш ва янгиланишлардан электоратни чуқур хабардор қилиш, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар мазмун-моҳияти билан уларни яқиндан таништиришда тарғибот гуруҳларининг вазифалари хусусида фикр юритилди.

Маргарита АХМЕДБЕКОВА,
Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси ўринбасари:

— Тарғиботчилар фаолиятининг бош мақсади — аҳоли орасига чуқур кириб бориш, партия ғоя ва мақсадлари ҳақида кенг тушунча бериш, электорат вакиллариини ўйлантираётган масалаларини ўрганишдан иборат. Шунингдек, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар, давлат дастурлари-

нинг аҳамияти ва моҳиятини электоратга етказиш ҳам тарғиботчиларнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ўтган йили шаҳар ва туман партия кенгашлари тарғиботчилар гуруҳлари томонидан 50 га яқин ижтимоий-сиёсий тадбирлар, давра суҳбатлари, таълим-тарбия ҳамада очиқ мулоқотлар ўтказилди. Гуруҳ аъзоларининг аҳоли, электорат вакиллари билан ишлаш тажрибасини ошириш мақсадида сиёсий-ўқув, семинар-тренинглар уюштириб бораёلمиз. Машгулотларда тадбирларни ташкил этишда таъсирчан сиёсий тех-

нологиялардан, одамлар фикрини ўрганишнинг тезкор ва самарали усулларидан унумли фойдаланиш масалаларида таклифлар берилмоқда.

Насиба ТУРҒУНОВА,
ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими:

— Дунёда ғоявий таҳдид ва ахборот хуружлари кучайиб, одамлар онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги кураш тобора мурраккаблашиб бораётган бўлгани кунда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали олиб бориш, уларнинг таъсирчанлигини оширишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда.

Айни пайтда ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан тарғиботчилар учун махсус тренинглар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқот, баҳс-мунозаралар, танловлар ташкил этиш мақсадида тарғиботчилар клуби фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Шу орқали тарғиботчиларга баҳс-мунозараларда ўз фикрини эркин баён қила олиш ҳамда партия электорати вакиллари билан очиқ мулоқот ўрнатиш

учун зарур бўлган нотиклик кўникмалари шакллантирилди. Бунда клуб аъзолари ўз фикрини далиллар асосида исботлай олиш, ахборот манбалари билан ишлаш, суҳбатдош (аудитория)ни ишонтира олиш, масалани ҳар томонлама таҳлил қилишни ўрганишлар келгусида тарғиботчилар клуби туман кенгашларида ҳам ташкил этилади.

Абдумалик САГАТОВ,
ЎзХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгаши раиси:

— Пойтахтимизда тарғибот гуруҳларининг 200 нафарга яқин аъзоси бор. Улар орасида сиёсатчилар, олимлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчилари, бир сўз билан айтганда, ҳалқ орасида обрў-эътиборга эга кишилар кўпчилигини ташкил қилади. Улар партия дастурий мақсадларига мос равишда юртимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни электорат орасида тарғиб этиш усулларини яхши билади. Шу боис уларнинг кучидан самарали фойдалани-

Тарғиботчилар фаолиятининг бош мақсади — аҳоли орасига чуқур кириб бориш, партия ғоя ва мақсадлари ҳақида кенг тушунча бериш, электорат вакиллариини ўйлантираётган масалаларини ўрганишдан иборат.

шимиз лозим.

Шунингдек, машғулотларни аудиториянинг ўзига хос хусусияти, тингловчининг кайфияти, онгининг ўзгариши, диққат-эътибори, тасаввури ва руҳиятини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Аудиторияда турли феъл-атвор, дунёқарашга эга кишиларнинг ўзига хос дунёқараш, қизиқишини олдиндан ўрганиши керак. Шунда унинг сўзлари таъсирчан, фаолияти самарали бўлади.

Семинарда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходими Гулчехра Зоҳидова, 44-силлабий поликлиника бош шифокори, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Муҳаммад Раҳматуллаева сўзга чиқиб, тарғиботчилар гуруҳлари аниқ режа асосида изчил фаолият кўрсатиши, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини қўллайиши зарурлигини таъкидлашди. Бундан ташқари, тарғиботчиларнинг ўзаро тажриба алмашишини йўлга қўйиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш масалалари хусусида ҳам фикр алмашилди.

Гулрух ОДАШБЕКОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Электр энергияси



газга айлантирилади

Айни замонда энергия танқислиги бор гап. Негаки, технология ривожланган глобаллашув шароитида барча ишлаб чиқариш жараёнлари энергия ҳисоби-га ҳаракатга келади. Шунинг билан бўлган ҳолда энергия ишлаб чиқариш соҳаси ҳам жадал ўсиб бормоқда. Эндиликда хатто энергияни захирага йиғиб қўйиш технологияси ҳам

амалиётда қўлланилмоқда. Гап шундаки, немисларнинг Фраунгофер уюшмаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, немис олимлари Куёш ва шамол электр станциялари ишлаб чиқарган, фойдаланувдан ортқича электр энергиясини метан газига айлантириш технологиясига асос солишган. Ушбу технология орқали энергия метан газига айлантирилган, уни захирага йиғиб қўйиш ва ундан кейинчалик фойдаланиш мумкин.

Германиянинг Баден-Вюртемберг федерал ерида Куёш энергияси ва водород тадқиқотлари маркази томонидан яратилган лойиҳа асосида Германия ва Австрия компаниялари ҳамкорлигида станция қурилади. Бу станция айнан Куёш ва шамол энергиясини газга айлантирмоқда.

Симобли ҳарорат ўлчагич



саломатлик учун ўта хавфли

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти симобли ҳарорат ўлчагичлар саломатлик учун ўта хавфли эканлигини расмий тан олди.

Симоб фавқуллодда токсик модда бўлиб, унинг кичик бир бўлағи ҳам киши саломатлигига катта хавф туғдиради. Айниқса, кичик ёшдаги болаларнинг унга нисбатан сезувчанлиги жуда юқорида. Шу боис Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти барча мамлакатларда симобли ҳарорат ўлчагичлардан фойдаланишни тақиқлашни мўлжаллаб турибди.

●●● Иқтисодиёт вазирлиги, Божхона, Солиқ ҳамда Статистика давлат қўмиталари томонидан «Оммавий ахборот воситаларини зарур ахборот ва маълумотлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш ва ахборотлар шаффофлигини таъминлаш масалалари» мавзuida матбуот анжумани ўтказилди.

Матбуот хизматлари ва ахборот ШАФФОФЛИГИ

Миллий матбуот марказида

Тадбирда таъкидланишича, мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ сиёсати, солиқ ва бошқа мажбурий ажратмаларнинг ижтимоий аҳамияти ҳамда қонун ҳужжатларига асосан берилаётган солиқ имтиёзларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги рағбатлантирувчи ўрнини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ва ҳудудий бошқармаларнинг Ахборот хизматлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, солиқ хизмати органларида фаолият юритиб келаётган икки юз нафардан ортиқ ходимни ўзида жамлаган ижодий гуруҳ шаклланган ҳамда улар томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида марказий ва маҳаллий ОАВда чиқишлар ташкил қилинган.

Давлат божхона қўмитаси томонидан эса божхона органлари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, кенг жамоатчиликни божхона органларида амалга оширилаётган турли йўналишлардаги ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам хабардор қилиш учун жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида марказий ва маҳаллий омма-

вий ахборот воситаларида чиқишлар изчил ташкил қилинган. Жойларда жамоатчилик вакиллари ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари иштирокида турли учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилган.

Давлат статистика қўмитаси Ахборот хизмати ҳамда ҳудудий статистика органлари томонидан эса ҳисобот даврида статистика соҳасига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини тушунтириш бўйича марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида бир қатор чиқишлар амалга оширилди. Давлат статистика тизимида тезкорлик, аниқлик ва шаффофлиқни таъминлаш ҳамда фойдаланувчилар учун янада қулайликлар яратиш мақсадида қўмитанинг расмий веб-сайти орқали интерактив хизматлар турлари кенгайтирилди ҳамда такомиллаштирилди.

Иқтисодиёт вазирлигининг Ахборот хизмати томонидан эса ҳар чорақда республиканинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиши тўғрисида батафсил маълумотлар тайёрланиб, ОАВга тақдим этилиб келинмоқда.

Бугунги кунда Солиқ қўмитасининг сайти орқали 31 турдаги, Божхона қўмитасининг сайти орқали 12 турдаги, Статистика қўмитасининг сайти орқали 10 турдаги, Иқтисодиёт вазирлигининг сайти томонидан эса 9 турдаги интерактив ва бошқа бир қатор фойдали электрон хизматлар кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Анжуманда вазирлик ва қўмиталарнинг Ахборот хизматлари раҳбарлари томонидан мавзу юзасидан атрофлича маълумотлар тақдим этилди ҳамда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

«Қарши аэропорти» ДУК

қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан
очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

«Қарши аэропорти» ДУК ҳудудида периметрал чаккирив ва хавф-хатардан огоҳ қилиш сигнализациясини ўрнатиш.

Объектнинг бошланғич нархи: қўйилган қиймат солиғи билан бирга — 146 898 797 сўм, қўйилган қиймат солиғисиз — 122 415 664 сўм, қурилиш муддати — 2 ой.

Буюртмачи: «Қарши аэропорти» ДУК.
Манзил: Қарши шаҳри, Махтумқули кўчаси, 3-уй.
Телефон: (8-375) 228-52-53.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметиинг 20 фоизи миқдоридида айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли қасбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга, юқоридаги ишларни бажариш учун махсус лицензияга эга, таърибали ва ишончли бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Қашқадарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Қарши шаҳар, Хонобод кўчаси, 46-А уй.
Телефон/факс: (8-375) 224-05-24, 224-18-33.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 90 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиши кунга ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши, эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин, қуйидаги манзилда: Қарши шаҳар, Хонобод кўчаси, 46-А уйда ўтказилади.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

Фарғона вилояти ҳокимлиги
«Ягона буюртмачи хизмати»
инжиниринг компанияси
ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: «Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Ўртақўрғон ҚФЙ Ўртақўрғон қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш».

Бошланғич нархи: 103 370 402 сўм ҚҚСсиз,
124 044 483 ҚҚС билан.

Муддати — 30 кун.
Манзил: Фарғона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37.

Телефон: (373) 400-52-80.

Буюртмачи: Фарғона вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Қурилиш ишлари Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида фақат кичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича таърибаси борлиги, етарли қасбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдоридида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уй.
Телефон/факс: (373) 244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда оферталарни очиш кунга ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин Фарғона шаҳар, Темирийўлчилар кўчаси, 37-уйда ўтказилади.

Конституция кичкинтойлар нигоҳида

**Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат
томонидан кафолатланади.**

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг
41-моддасидан)

радаги ишлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу фармойишдан кўзланган мақсад Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъназмунини ўрганиш, ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини тўғри шакллантириш ҳамда юксал-

риш мумкин. Ушбу муассасанинг катта ва мактабга тайёрлов гуруҳларида «Конституция сабоқлари» машғулотли кичкинтойлар ва таъсирчан воситалар ёрдамида ташкил этилмоқда. Бош қомусимизнинг 21 йиллиги олдидан «Конституция — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати» шиори остида ҳуқуқий ва маъна-

ҳия яқунлангач, тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Манзура Нурматова болаларга содда, уларнинг ёши ва дунёқарашига мос воситалар — турли суратлар, буклет ва плакатлар ёрдамида Ўзбекистон Конституциясини, мамлакатимиз мустақиллиги, давлат рамзлари, тили, пул бирлиги, шу юртда яшаётган ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақида тушунарли тилда ҳикоя қилади. Кейин савол беради:

— Қани, ким айтади: мамлакатимизда яқинда қандай байрам нишонланади?

Болалар ҳаммиси жажжи кўчаларини кўтаради:

— Мен айтаман! Мен биламан!

— Севара, сен айт-чи.

Севара Муртазоева қувониб кетади ва дон-дона қилиб жавоб беради:

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кунини.

— Конституциямиз қачон қабул қилинган?

— 1992 йил 8 декабрь кунини.

— Балли! Қани, энди ким айтади: Ўзбекистон Республикаси қандай давлат рамзларига эга?

Болалар яна чуғурлашиб қўл кўтаради:

— Улугбек! — деб ишора қилади тарбиячи.

— Ўзбекистон Республикасининг Байроғи, Герби ва Мадҳиясига эга.

— Тўғри! — деб қувонтиради М.Нурматова болакайни...

Фарзандларимизни гўдаклигидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга, давлат ва жамият олдидagi бурч ва масъулиятини теран ҳис этишга ўргатиш тарбиячи ва мураббийларнинг энг муҳим вазифаларидан. Шу босис мазкур муассасада «Конституция сабоқлари» машғулотлари кичкинтойларга ҳуқуқий давлат

Фарзандларимизни гўдаклигидан ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишга, давлат ва жамият олдидagi бурч ва масъулиятини теран ҳис этишга ўргатиш тарбиячи ва мураббийларнинг энг муҳим вазифаларидан.



Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёш авлоднинг ҳуқуқий билим ва саводхонлигини юксалтириш, ҳуқуқий таълимни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши бу бо-

тириш, шунингдек, Конституцияни билиш, унинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилишдан иборат. Бугунги кунда мазкур ҳужжат асосида Асосий Қонуниимизда белгиланган тушунча ва тамойиллар мамлакатимиздаги мактабга таълим муассасаларидан бошлаб барча ўқув масканларида кенг ўргатилмоқда. Бунини Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги 589-мактабга таълим муассасаси фаолияти мисолида ҳам кў-

вий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

...Богчанинг болалар кий-киригига, шодон кулгусига завоқли таассуротларга бой одатдаги кунини. Катта ва кичик гуруҳдаги кичкинтойлар кўлини кўксига қўйиб, ширин талаффузда давлатимиз мадҳиясини куйлайди. Беғубор қалблар меҳри-ла анграган бу кўшиқ ўз ифодаси ва сеҳри билан ҳар қандай кишининг кўнглини фахру ифтихорига тўлдириб юборади. Мад-

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини

Термиз янада чирой очмоқда

Сурхондарё вилояти маркази Термиз шаҳри тобора обод бўлиб бормоқда. Шаҳарнинг бош режасига мувофиқ унинг ҳудудига яна 82 гектар ер майдони қўшилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, шаҳарнинг «Навоий» кўчасида 4 та кўп қаватли, барча қулайликларга эга замонавий турар-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни кунларда шаҳарнинг марказий йўлида таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб боришмоқда. Йўлнинг ҳар икки томонида эски пасткам уйлар ўрнини бир хил кўринишдаги кўп қаватли кўркам турар-жойлар эгалламоқда.

Шунингдек, шаҳарнинг «Султон Саодат», «Навоий» ва бошқа кўчалари бўйлаб жойлашган 367 та яқка тартибдаги турар-жойлар ўрнида ҳам замонавий меъморчилик ва шаҳарсозлик талаблари даражасидаги кўп қаватли турар-жойлар, сервис хизматлари кўрсатадиган маиший бинолар барпо этиш мўлжалланмоқда.

Абди ҚОДИРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Меҳнат ярмаркасида

103 нафар киши иш билан таъминланди

●●● Навоий шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда шаҳар ҳокимлиги ва прокуратураси ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Унда 76 та корхона-ташкilot 276 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Натижаларга кўра, 147 нафар вақтинча иш билан банд бўлмаган фуқародан 103 нафари шу кунини иш жойига эга бўлди. Қолган иштирокчиларга мутахассислиги бўйича ҳуқуқий маслаҳат берилди.

— Навоий техника иқтисодиёт коллежини тугатганман, — дейди

Ғиёсжон Исомиддинов. — Бугун меҳнат ярмаркасида «Навоийазот» ОАЖга ўз мутахассислигим бўйича ишга қабул қилиндим. Фурсатдан фойдаланиб, биз каби ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашаётган ташкilotларга ўз миннатдорлигимни билдирмоқчиман.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Футбол



Бешинчи турдан кейинги вазият

	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. БАА	5	0	0	17-2	15
2. Ўзбекистон	3	1	1	9-3	10
3. Гонконг	1	1	3	1-10	4
4. Вьетнам	0	0	5	2-14	0

Ўзбекистон терма жамоаси

2015 йили Австралияда бўладиган навбатдаги Осиё чемпионатида йўлланмани муддатидан илгари қўлга киритди



Футбол бўйича Осиё чемпионати саралаш учрашувлари яна бир турдан сўнг ниҳоясига етади.

Мусобақанинг «Е» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси охириги икки учрашувни сафарда ўтказди. Ханойда Вьетнам футболчиларига қарши майдонга тушган терма жамоамиз йирик (0:3) ҳисобда зафар қўчди.

Кунини кеча мамлакатимиз бош жамоаси Гонконгга яна бир ишончли ғалабани қўлга киритди. Вакилларимиздан Воҳид Шодиев ҳамда Одил Аҳмедовлар киритган икки тўп футболчиларимизга муҳим уч очкони тақдим этди. Мазкур ғалабадан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси ўз ҳисобидagi очколар сонини 10 тага етказиб, муддатидан олдин Осиё чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Гуруҳдаги иккинчи ўйинда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари вьетнамликлар дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўллашди — 5:0.

Хозиргача гуруҳларда яқунланган бешинчи тур ўйинларидан сўнг Австралияда тўп сурадиган ўн олти терма жамоадан ўн икkitаси номи маълум бўлган. Булар Австралия (мезбон), Япония, Жанубий Корея, ҚХДР, Саудия Арабистони, Уммон, Қатар, Эрон, Бирлашган Араб Амирликлари, **ЎЗБЕКISTON**, Қувайт, Баҳрайн вакиллари. Қолган яна тўртта қатнашчи номига сўнгги турда ойдинлик киритилади.

Эслатиб ўтамиз, охириги учрашувни ҳамюртларимиз 2014 йил 5 март кунини Тошкентда Бирлашган Араб Амирликлари футболчилари билан ўтказди.

Эркин ХОЛБЕЗО,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Кеча футбол

бўйича 2014 йили

Бразилияда бўладиган

жаҳон чемпионатининг

барча иштирокчилари

номи маълум бўлди.

Жаҳон чемпионатида

кимлар қатнашади?

Айниқса, мусобақанинг Европа китъаси саралаш босқичининг охириги «плей-офф» ўйинлари барчани ҳаяжонга солди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: **Хорватия** — Исландия — 2:0 (биринчи учрашув — 0:0), **Швеция** — **Португалия** — 2:3 (0:1), **Франция** — Украина — 3:0 (0:2), Руминия — Греция — 1:1 (1:3).



Энди мухлислар Бразилия яшил майдонларида дунёнинг энг сара ўттиз икки терма жамоаси иштирокида кечадиган шиддатли баҳслар гувоҳи бўлишади. Навбатдаги мундиалда Бразилия (мезбон), Аргентина, Колумбия, Чили, Эквадор, Уругвай, Голландия, Германия, Россия, Англия, Испания, Босния, Италия, Швейцария, Бельгия, Хорватия, Франция, Португалия, Греция, Коста-Рика, АҚШ, Гондурас, Мексика, Кот-Д'Ивуар, Нигерия, Камерун, Жазоир, Гана, Австралия, Эрон, Жанубий Корея, Япония давлатлари футболчилари қатнашади.

Жаҳон чемпионати финал босқичига 6 декабрь кунини қўлга ташланади.

Самандор БОБОРАЖАБОВ

ОБ-ХАВО 21-22 — 11. 2013

Юртимиз бўйлаб (°С)

Қорақалпоғистон Республикаси ва

Хоразм вилояти

-5 / -10 0 / +5

Бухоро ва Навоий вилоятлари

-2 / -7 +3 / +8

Тошкент, Самарқанд, Жиззах

ҳамда Сирдарё вилоятлари

-2 / -7 +5 / +10

Қашқадарё ҳамда

Сурхондарё вилоятлари

0 / -5 +7 / +12

Андижон, Наманган ҳамда

Фарғона вилоятлари

-2 / -7 +3 / +8

Тошкент шаҳри

-3 / -5 +6 / +8

Дунё бўйлаб (°С)

Лондон +12 / +8

Париж +14 / +11

Москва +6 / +6

Мадрид +18 / +18

Пекин +11 / +14

Канберра +21 / +26

Рим +19 / +21

Афина +21 / +20

Токио +13 / +15

Республика байналмилал маданият

маркази жамоаси Республика кир-

ғиз миллий маданият маркази раиси

Раҳматилла Жабборовга отаси, меҳ-

нат фахрийси

Маҳмуд ЖАББОРОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъ-

зия изхор этади.

МУАССИС:

Бosh муharrir: **Сафар ОСТОНОВ**

ТАХРИР ХАҲАТИ:

Abdulla OROPOV

Ulug'bek

Saidahmad RAHIMOV

Hotamjon KETMONOV

MUSTAFOYEV

Farruh HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

Muslihiddin

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Rustam KAMILOV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

Sharbat ABDULLAYEVA

Ochilboy RAMATOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-09-45;

Ujimaty hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoa-hillik bilan oloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandorlik — 233-44-55;

Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini

ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146

10338

nusxada

bosildi.

Sotuvda erkin narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 23.00

Topshirilgan vaqti — 23.15

Navbatchi:

Mirbaxtiyor MIRFAZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirojon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 5